

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

243 **Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳо- фазаси қоидаларининг 39-бандига ўзгартириш кири- тиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-1*

(2010 йил 27 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-44-сон буйруғи (рўйхат рақами 1754, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 545-модда) билан тасдиқланган Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларининг 39-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ва «Ўзвინосаноат-холдинг» холдинг компанияси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 июль,
133-Б-сон

Келишилди:

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2010 йил 5 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2010 йил 5 июль

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2010 йил 5 июль

*«Саноатконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

И. ХОЛМАТОВ

2010 йил 5 июль

*«Ўздавэнергоназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2010 йил 5 июль

*«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг
компаниясининг раиси*

С. САИДЖАЛОЛОВ

2010 йил 5 июль